




ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 9 май, жума № 73 (1498)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Шундай деб аталган тадбир «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси томонидан Тошкентдаги 21-меҳрибонлик уйида ташкил этилди. Хотира ва кадрлар кўни арасида бу ерда уруш фахрийлари ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентдаги меҳрибонлик уйларидаги собиқ тарбияланувчилари ҳамда бугун бу уйларида яшаётган болалар тўпланди. Учрашув жамғарма томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини бажариш доирасида ҳамда жорий йилнинг Обод маҳалла йили деб эълон қилиниши муносабати билан ўтказилди.

Ёш ҳаваскор артистлар меҳмонларга катта концерт дастури намойиш этди. Фахрийлар ҳам болаларга концерт такдим этди. Бундан ташқари, барча тўпланганларда катта қизиқиш уйғотган кўргазма намойиш этилди. Уруш йиллари меҳрибонлик уйида тарбияланган Тамара Қўжаньянованинг бадиий каштачилик услубидаги асарлари, Василий Захарский чизган суратлар унинг экспонатлари бўлди. Шундан сўнг байрам дастурхони ёзилиб, фахрийлар болаларга уруш қийинчиликлари, уруш йиллари Тошкент минглаб етим болаларни қабул қилгани ва улар учун иккинчи Ватан бўлгани ҳақида сўзлаб берди.

Учрашув қатнашчиларини яқинлашиб келаётган байрам билан шаҳар ҳокимилик, жамғарма фаоллари табриклади. «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Светлана Иномова Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан жамғарма пойтахтдаги барча меҳрибонлик уйларида мурувват ёрдами кўрсатишга қарор қилганини айтди. 21-меҳрибонлик уйига эса дори-дармонлар ва тиббий асбоблар учрашув давомида берилди. Фахрийларга ҳам қимматбахо совғалар, Халқлар дўстлиги саройида 9 май муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилиш ва концертга таклифномалар топширилди.

ЭНГ ҚАДРЛИ СОВҒА

Нина Павловнанинг кўзига ёш келди...

- Раҳмат! Бу совғалар мен учун гоятда қадрли, деди у. - Мен уларни онамдан эсдалик, волидамга кўрсатилган иззат-эътибор учун миннатдорлик рамзи сифатида кўз қорачиғида асрайман...

Бу бир йил илгари бўлган. 9 май - Хотира ва кадрлар кўни арасида пойтахтимизнинг Олим Хўжаев маҳалласида фахрийлар учун байрам ташкил этилди. Нина Павловнанинг онаси, саксон тўрт яшар Марина Петровна ҳам бундай илтифотдан хурсанд бўлди, албатта қизиқини айтди.

Меҳнат ва уруш фахрийлари тўқин дастурхон атрофида йиғилди. Уларга иззат-икром кўрсатилиб, илик гаплар айтилди. Совғалар улашилди. Бироқ ўша кўни Марина Петровна келмади - қазоси етган экан. Марина Шитикова рисоладагидай дафн этилди. Бир ҳафта ўтгач, қизи миннатдорлик билдириш учун маҳалла оқсоқоли хузурига келди. Онасига аталган байрам совғасини топширишганида эса кўз ёши тўхта олмади. Миннатдорлик гапларини ўшанда айтганди.

Маҳаллада кўни кеча ҳам ана шундай хайрия тадбири ўтказилди. Утганлар ёдга олинди, қариялар ардоқланди. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган бу байрам узок давом этди.

- Обод маҳалла йилида бундай хайрли ишлар кўпаймоқда, - деди маҳалла оқсоқоли Абдурашид ота Нажмидинов. - Зеро, инсонни қадрламоқдан, унинг қорига ярамқондан улгурок савоб йўқ.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислоҳ Каримов бошқарди.

Мажлисида Ироқ ва мамлакатда тинчлик ва унинг теварағида юзага хавфсизлик, тартиб ва келаётган вазият қўриб чиқилди.

Ироқдаги воқеаларнинг ривожланиши ушбу

ни чуқурлаштириш имкониятларидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан ва 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган «Ироқ теварағидаги муаммони ҳал этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Баёноти»дан келиб чиққан ҳолда, Ироқни қуролсизлантириш ва

бу мамлакатни тинч йўл билан тиклаш борасида АҚШ ва унинг иттифоқдошлари амалга ошираётган хатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикасининг ушбу муносабати давлатимиз халқаро терроризм, экстремизм, ақидаларастлик, гиёҳванд моддалар, оммавий қирқин қуролларининг тарқа-

лиши ҳамда халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидларга қарши кескин курашга қаратилган катъий сиёсатнинг мантикий давомидир.

Муҳокама давомида Ўзбекистоннинг Ироқда инсонпарварлик лойиҳаларини амалга ошириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, ушбу мамлакатда вазиятни барқарор-

лаштириш ва кундалик ҳаётни тинч йўл билан тиклаш жараёнларида иштирок этишга тайёрлиги яна бир бор таъкидланди.

Мажлисида, шунингдек, Миллий хавфсизлик кенгашининг янги таркиби тасдиқланди, Ўзбекистон Республикасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги давлат ва ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифалари белгиланди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«ПАЛЛАДА ВОСТОК»: НОЗИК ДИДЛИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА

Олмалиқдаги «Паллада Восток» шуба корхонаси ниҳоят нозик дидли истеъмолчиларга манзур бўладиган косметик парфюмерия ҳамда маший кимё маҳсулотлари ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда тайёрланаётган биошампунлар, тиш пастаси, тозалаш воситалари ички бозоримизни тўлдирмоқда.

350 кишини бирлаштирган кимёгарлар жамоаси бундан икки йил аввал атиги ўн икки хил маҳсулот тайёрлар эди. Бугунга келиб бу ерда йигирма уч хил косметик крем, ўн олти хил шампун, ўн тўрт хил тозалаш воситаси, шунингдек, этик мойи ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бир сўз билан айтганда, товарлар ассортименти юз хилдан ошди.

Хозирча мамлакатимизда ягона хисобланган корхона бундан уч йил илгари Олмалиқдаги маший кимё заводини хусусийлаштириб олган эди. Кўп ўтмай, у косметик парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган «Лола» очик акциядорлик жамиятининг 56 фоиз акциясини ҳам сотиб олди. Корхона ўтган йили истеъмол бозорига 5 миллиард 530 миллион сўмлик маҳсулот чиқарди. Унинг 20 фоизи Россия, Украина, Қозғистон, Тожикистон ва Афғонистонга экспорт қилинди. Жорий йилда бу миқдорни 50 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулот ишлаб чиқараямиз, - дейди корхона раҳбари Искандар Рашидов. - Шунга мувофиқ эндиликда эркаклар ва аёллар учун хушбўй янги атир турлари, шунингдек, болалар учун пудралар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Уларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта.

Корхонада маҳсулотларни маҳаллий хомашдан тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, илгари Польшадан олиб келинган техник мой ҳозир Урганчдан, алюмин кислотаси ҳамда соботок глицерин «Еғмойтимаки-саноат» уюмиса корхоналаридан олинмоқда. Ута харидориги бўлиб қолган «Чистилин» кир ювиш воситаси учун авваллари Украинадан келтирилган каолинни эндиликда Ангрендаги «Қасолин» корхонаси, ўртафосфорли кислотани «Аммофос» акциядорлик жамияти етказиб бера бошлади. Бу эса ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйиш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришда кўп келаётган.

Неъмат ДУШАЕВ.

Суратларда: илгор ишчилари Т.Абдуллаева ва Н.Ақбарова Сарвар ҲУМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар



Фахр ВАТАН ИШҚИ

Ватан сарҳадларини қўриқлаш, эл-юрт тинчлигини сақлаш ҳар бир фарзанд учун муқаддас бурч. Зотан, Она Ватанини асл фарзандлар, мардлар ҳимоя қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ чақирув ёшидаги фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақиришнинг 2002 йил кузгиси туманимизда муваффақиятли ўтказилди.

Чақирув жараёнида ҳарбий хизматга ҳар томонлама етук, ҳисмонан бақувват йигитларни жўнатилишига катта эътибор қаратилди. Бунинг учун чақирув комиссияси туман ҳокимилик ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими билан ҳамкорликда иш олиб боришди. Улар маҳаллаларда, ўқув муассасаларида бўлиб, ота-оналар ва ёшларга Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясида қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» (янги тахрирда) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳақида тушунтиришлар олиб боришмоқда. Қонунлардаги ўзгаришлар айниқса ота-оналарда қизиқиш уйғотаётгани кишини қувонтиради.

Қувончлиси шунки, эндиликда ақсарият ота-оналарнинг ўзлари келиб, ўғлини ҳарбий хизматга юбормоқчи эканлигини билдиришди. Чунки бугунги ёшларимиз ҳарбий бўлишни ўзлари учун шараф деб билишди. Буларнинг барчаси, албатта, ҳарбий ислохотлар борасидаги қонунларимиз

Н.РАЖАБОВ, Шовот тумани мудоффа ишлари бўлими бошлиғи вазирафини бажарувчи

БИЗНЕС-ФОНД КЎМАГИДА

Бизнес-фонднинг Андижон вилояти бўлими жорий йилнинг дастлабки чорағида кичик корхоналар, ишлаб чиқарувчи фирмалари ва хунармандларга 80 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратди.

Бундан ташқари, Бизнес-фонд бошқаруви ходимлари фермерлар ва тадбиркорларга тракторлар, «Зингер» тикув машиналари, сутни қайта ишловчи сепараторлар, ёғ ишлаб чиқарувчи ускуналарни лизинг шарти билан бермоқда.

Бу эса бошловчи тадбиркорлар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчилар ва чорва маҳсулотларини қайта ишловчиларга катта мадад бўлмоқда.

Ироқни тиклаш учун қанча вақт кетади ва бу жараён қандай кечади? Кенг қамровли ҳарбий ҳаракатлар тугаб, мамлакатдаги вазиятни ўнглаш борасидаги режалар тузилган вақтда қўпчиликни шу савол ўйлантира бошлади. Ироқ ҳукумати тузилгунча у ердаги оқсоқолликни сақлаш ва тиклаш ишларини бошқариш вазираси юклатилган америкалик истеъмодаги генерал Жей Гарнер мамлакатни уч ой ичнда тиклаш мумкин, деган фикрини илгари сурган. АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги мутахассисларининг айтишича, Ироқдаги вазиятни ўнглаш учун камида ўн саккиз ой қорак бўлади.

Очиғи, бу режаларнинг амалга ошишига америкаликларнинг ялли ҳам ишонмаётган қўрилади. Бир неча йиллик иқтисодий жазо оқибатида ўтириб қолган иқтисодиёт уруш натижасида бутунлай вайрон бўлган. Бир пайтлар нисбатан фаровон турмуш кечирган халқнинг ақсарият қисми қашшоқлик домига тортилган. Мамлакат барча хижатлардан таназзулга юз тугган. Шулар ҳисобга олинса, Ироқни тиклаш учун уч ой ҳам, бир ярим йил ҳам етмаслиги, бу жараён анча узокқа чўзилиши ва анча-мунча харажат талаб қилиши аён бўлади.

Утган асрнинг 80-йилларида қадар Ироқдаги ўртача маош йилга беш минг АҚШ доллари ташкил этган. Бу ўша пайтда минтақадаги энг юқори кўрсаткичлардан бири саналган. Мамлакат иқтисодиёти барқарор ри-

вожланиш йўлига тушиб олгани сабабли ўрта синф қатламига мансуб бўлганлар сони йилдан-йилга кўпайиб борган. Лекин 1980 йили Эронга қарши бошланган уруш Ироқнинг барча ютуқларини йўққа чиқарди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ўша уруш бўлмаганида ва мамлакат ривожланиши давом эттирилганида, айни пайтга келиб ироқликларнинг ўртача йиллик маоши камида ўн беш минг АҚШ доллари тенг бўлиши, мамлакатнинг ялли ички маҳсулоти эса 400 миллиард долларга етиши мумкин эди. Хозирги кунда бу кўрсаткич қарийб йигирма баробар кам, аҳолининг яримдан кўпи ишсиз, олтинчи фаздан қўпроғи четдан келаётган инсонпарварлик ёрдами ҳисобигагина кун кўради...

Ироқ нефт захиралари бўйича дунёда энг етакчи уринлардан бирини эгаллаши сабаб тиклаш режаларининг ақсарияти «қора олтин»

савдосидан олинажак фойдага бевосита боғлиқ. Мутахассисларнинг айтишича, Ироқдаги вазият ўнлашдан сўнг, у кунига 3 миллион баррел нефт қазиб чиқариш имкониятига эга бўлади (ҳарбий ҳаракатлар бошланишидан аввал бу кўрсаткич 2 миллион баррелни ташкил этган). Тахминлар тўғри чиқиб, нефтнинг бир баррели йигирма беш долларни ташкил этса, Ироқ-

ИРОҚНИ ТИКЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

даги ўртача маош йилга минг долларга тенглашади. Демак, халқнинг фаровонлигини таъминлаш, мамлакатни тиклаш учун биргина нефт савдосидан тушадиган пул етарли эмас. Шундай экан, Ироққа четдан ёрдам кўрсатмай илож йўқ.

Узоқ йиллар давомида мустабид тузумда яшаган, халқи кўп азоб чеккан мамлакатга жаҳон ҳамжамияти ёрдам қўлини қўйиши шубҳасиз. Лекин аввал Садам Хусайн ҳукмронлиги пайтида пайдо бўлган чигалларни ечиш лозим. Маълумотларга қараганда, С.Хусайн ўз ҳукмронлиги давомида қўллаб мамла-

Шарҳловчи минбари

катлардан катта миқдорда қара олган. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, Ироқнинг ташқи қарзи салкам 400 миллиард АҚШ долларига тенг бўлиши мумкин. Дунёда қарзи энг катта мамлакат бўлиши Аргентинаники бундан ўн баробар кам. Бу эса Ироқнинг ташқи қарзи

масаласини ҳал қилмай туриб, мамлакатни тиклаш борасида жиддий гапириш ноўринлигини англатади. Айни пайтда Ироқнинг қарзлари борасидаги музокаралар авжида чиққан. Мутахассисларнинг фикрича, кредитор мамлакатлар хоҳласа-хоҳламаса, бир пайтлар берилган маблағнинг муайян қисминдан воз кечишга мажбур бўлади. Негаки, Ироқ ўз зиммасидаги қарзининг ҳаммасидан қутула олмағлиги табиий.

Садам Хусайн ва унинг сафдошлари томонидан вайрон этилган мамлакатни тиклаш учун, аф-

(ЎЗА)



Кўрик-танлов

ЭНГ НАМУНАЛИ, ҒОЯТДА ФАЙЗЛИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касба уюшма Марказий кўмитаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, талаба-ёшларни замон талаблари, Ватанга муҳаббат мустақиллик гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида 2002 йилда «Энг намунали талабалар уйи» республика кўрик-танловини ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Мазкур кўрик-танлов Низомига асосан жойлардаги талабалар уйлари фаолияти билан танишиб чиқиш, уларга услубий таъсирлар бериш ва ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш мақсадида тузилган махсус ишчи гуруҳи фаолият билан иш олиб борди. Яқини хулосалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳайъати йиғилишида муҳокама этилди. Кўрик-танлов Олий ўқув юртлиги талабалар уйлари яхшилик, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришда ижобий натижа берди. — дейди Марказий Кўмита раиси З. Қодиров. — Талабалар уйлари қайта таъмирланди, керакли анжомлар билан жиҳозланди, санитария ҳолати намунали йўлга қўйилди. Шунингдек, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тарбиявий, маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, баҳслар, танловлар, спорт мусобақалари ўтказилди. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ва Қорақалпоқ Давлат университети «Энг намунали талабалар уйи» деб топилди ва пул мукофоти ҳамда диплом билан тақдирланди. Иккинчи ўрин — Андижон муҳандислик институтининг фаолиятини таъминлаш педагогика университети талабалар уйларига насиб этди. Уларнинг ҳар бирига пул мукофоти ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг иккинчи даражали дипломи берилди. Учинчи ўрин — Самарқанд давлат архитектура-қурилиш ҳамда Фарғона политех-

Футбол

«НЕФТЧИ»НИНГ ШАШТИ БАЛАНД

«Шундай бўлиши мавсум бошиданок маълум эди», деб биланонлик килувчиларга гап топилди. Недирки ўйинларнинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилиб келаятган «Пахтакор» ниҳоят очко йўқоти. Учрашувдан учрашувга томон тобора мазмунсизроқ ўйин кўрсатаётган чемпион Наманганда қоқилди. «Навбахор» командасининг ўзига хос эканлигини инкор этмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, таркиб жиҳатидан анча кучли бўлган пойтахт жамоаси бу гал таразу посонгисини ўз томонига огдиришнинг уйдасидан чика олмади. Мутахассислар тили билан айтганда, «Пахтакор» футболчиларига қушдек енгиллик етишмади. Ҳимоя чизигидаги муаммолар ёнига ҳужумда ҳам ечимини кутаётган талай масалаларнинг қўшилиши ўз «натижа»сини берди. Шундай қилиб, меҳмонда 1:1 ҳисоби билан кифояланишга мажбур бўлган Виктор Жалилов шогирдлари «Нефчи»нинг турнир жадвали карвонбошиси бўлиб олишига ўзлари истамеган ҳолда катта йул очиб қўйдилар. Бинобарин, фарғоналик мухлислар учун еттинчи тур ҳақиқий байрамга ай-

СПАРТАКИАДА байрамга бағишланди

Мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Бухоро вилоят кенгаши ҳамда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшма вилоят кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Ватанпарвар» клубларининг илк спартакиадаси Хотира ва Кадрлаш кунига бағишланди. Спартакиадани ўтказишдан асосий мақ-

Хар бир оиланинг репродуктив саломатлиги аёллар соғлиғига боғлиқ. Андижон шаҳар 2-болалар клиник шифохонасида фаолият кўрсатаётган «Қизларни соғломлаштириш» маркази мижозлари бундан яхши билишади.

Репродуктив саломатлик

Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида бу ерда соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялашга қаратилган ибратли ишлар амалга оширялпти. Бўлим 20 ўринга мўлжалланган бўлиб, у вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан келган беморларни қабул қилади. Касалларга ташхис қўйиш, даволаш учун ҳамма қулайликлар яратилган. — Асосий вазифамиз кичик ва ўсмир ёшдаги қизларга юқори малакали гинекологик ёрдам кўрсатишдан иборат, — дейди шифохона бош врач Х. Халилова. — Қизларнинг соғ-саломат ўсиши, балоғатга етиб баркамол авлодни дунёга келтириши учун даволаш-профилактика ишлари кенг қўламда йўлга қўйилган. Оналар ва болалар соғлиғи миллат генфондини ривожлантиришнинг асо-

ОЛИЖАНОБ ИНСОН ЁДИ

Жиззах вилоят Янгиобод тумани таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ўқитувчилар ўртасида спорт мусобақаси ўтказиш анъана тусини олган. Бу йилги мусобақа «Хотира ва Кадрлаш кунини» арафасида бўлгани учун аjoyиб инсон Имомназар Султонназаров хотирасига бағишланди. У Ватан ва халқ олдидаги хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аъlochиси, «Шавкатли меҳнати учун» ҳамда «Шухрат» медаллари билан тақдирланган эди. Турнирда худудий мусобақа голиблари иштирок этди. Қиз-қиз баҳслар натижаларига қўра эркакаси бўлмаган эди. Қиз-қиз мусобақасида 1-ўрин 12-мактаб, 2-ўрин 1-мактаб, 3-ўрин 2-мактаб жамоаларига насиб этди. Аёллар мусобақасида ҳам 12-мактаб жамоаси ғалаба нашидасини сурди. Мини футбол беллашувлари қизгин баҳслар остида ўтди ва 1-мактаб жамоасига омад кулиб бокди. Шохмат мусобақасида 12-мактаб жамоаси шарафини ҳимоя қилган ака-сингил, Н.Раимжонов ва З.Раимжоноваларга тенг келадиган рақиб топилмади. Стол тенниси мусобақасида эса биринчи ўрин 2-мактаб ўқитувчиси Т.Абдураззоқова, аёллар мусобақасида эса 12-мактаб жамоа аъзоси У. Норматовга насиб этди. Мусобақа голиблари туман таълим ва фан ходимлари касба уюшма кўмитаси ҳамда хомийлар томонидан таъсис этилган фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Х.МУКУМОВ, Янгиобод туман 12-мактаб ўқитувчиси

ҚИЗЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИДА

бирга оила тиббий маданиятини ошириш, жисмоний тарбияни йўлга қўйиш, аёл танасини парварিশлаш тўғрисида суҳбатлар ўтказилаяпти. Бунинг учун гинекология хонаси ташкил этилган бўлиб, у керакли асбоб-ускуналар, қўргазмалар қуруллар ва услубий қўланмалар билан жиҳозланган. Шифокорлик шарафли, айна пайтда масъулиятли касб. Бўлим мудираси, олий тоифали врач М. Насриддинова 35 йиллик иш тажрибасига эга. Унинг ҳамкасиби тажрибали шифокор О. Қаҳорова Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтида «Болалар гинекология» мутахассислиги бўйича қайта тайёрликдан ўтиб келган. Марказ ходимлари Андижон давлат тиббиёт институти, вилоят «Репродуктив саломатлик маркази» ва иккинчи турғуқ мажмуаси мутахассислари билан ҳамкорликда иш юритиб, тиббий гинекологик хизмат даражасини яхшилашга эришмоқдалар. Беморлар республика даволаш ташхис марказининг Андижон филиалида кўрилади. Беморлар ўртасида «Қизлар-бўлажақ оналар», «Соғлом она—соғлом бола», «Гийёҳвандликнинг илллати ва оқибатлари», «Соғлом ўтса болалик, насиб этар оналик», «Қизларнинг шахсий гигиенаси» сингари мавзуларда мулоқотлар уюштирилмоқда. Бундан ташқари мактаблар, касб-хунар коллежлари, қишлоқ ва маҳаллаларда соғлом авлодни шакллантириш, қариндош-уруғлар ўртасида никоҳнинг, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, оилалар тиббий маданиятини мустаҳкамлаш бўйича давра суҳбатлари ўтказилаяпти. ИZZAT ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«УЛУҒ ШОИР» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ

A crossword puzzle grid with a portrait of a man in the center. The text '«УЛУҒ ШОИР» АЙЛАНМА КРОССВОРДИ' is written across the grid. Below the grid is a list of clues in Uzbek: 1. Пойтахтимиз мадх этилган шеър. 2. «Фафур Фулом» шеъри муаллифи, атоқли шоир. 3. Фафур Фулом уй музейи жойлашган макан. 4. Шоир раҳбарлик қилган илм даргоҳи. 5. Ғазал мулкнинг султони, мумтоз шоир мадҳига оид асари. 6. Улуғ ўзбек иждоқори, теурийшода. 7. «Едгор» қиссаси қаҳрамони. 8. Фафур Фулом таржима қилган ноидр «Гулистон» асари муаллифи. 9. Фулом асарларини ўзбек тилига ўгирган рус мумтоз шоири. 10. Иждоқор қаламига мансуб илк шеър. 11. Фарзандига атаб ёзган шеъри. 12. Ойнаи ҳаждона илк маротаба намойиш этилган «Шум бола» асарида бош қаҳрамонини гавдалантирган санъаткор. 13. Фафур Фулом фарзанди Олмоснинг эсдалик асари. 14. Адбиднинг экранлаштирилган китсасидаги бой сиймосини ижро этган актёр. 15. Фафур Фуломнинг отаси машғул бўлган касб. 16. Иждоқорнинг «Авал ўқи» шеъридан: «Ғуллар толеин тилаб қамиша, Отанинг билгани яхши... Сиз қанча донорок, голиб бўлсангиз, Айна мудоаюмиш - шу мудоаюди. Айна мудоаюмиш - шу мудоаюди. 17. Фафур Фулом насрий баёнини ёзиб қолдирган Алишер Навоий достони қаҳра-

МАҲАЛЛАЛАР УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Бугунги кунда маҳалла тушунчаси кенг маъно-мазмун касб этмоқда. Зеро, маҳалла ишга давр талаби асосида ёндошиб, янги бозор иқтисодиёти шароитида унинг имкониятларидан унумли фойдаланиш айна мудоаюди. «Маҳалла ишини ташкил этишда ўз-ўзини бошқариш ва ўзини маънавий-таъминлаш» деган лойиҳани тайёрлашда ҳам бу каби омишларга асосланган. Бир гуруҳ мутахассислар томонидан жиддий куза-тишлар асосида юзага келган бўлиб маҳаллалар фаолиятларини юритувчи йўриқнома бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Унда маҳаллаларнинг катта-кичиклиги, имконият ва хусусиятларига қараб мослаштирилиши, моддий имкониятлар ўзгаришига қараб такомиллаштириш масалалари ҳам ўзифодасини топди. «Обод маҳалла йили» муносабати билан худудий ҳокимликлар ва маҳалла кўмиталарига мўлжаллаб яратилган бўлиб талабаларни жойларда жорий этиш мумкин.

ҚИЗИҚИШ КАТТА

«Турон» ёшлар театр-студиясини ўзининг жўшқин фаолияти билан кўпчилиқ ёшларда яхши таассурот қолдирмоқда. Ўзбекистон Маданият ишлари Вазирлиги ҳузурда ташкил толган бу театр-студия олий ўқув юртлиги иждоқор ёшлари билан ҳам ҳамкорлик боғланди. Тошкент Давлат авиация институти танил алоқа ҳам самарали бўлмоқда. Олий ўқув юртининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти билан тузилган шартнома бўйича қатор ибратли маданий тадбирлар амалга оширилмоқда. Узаро келишушга мувофиқ «Турон» репертуаридан ўрин олаётган янги постановкалар институт талабалари эътиборига ҳавола этилмоқда. «Ватан қисмати» — менинг қисматим», «Ўз уйингни ўзинг асра» сингари театрлаштирилган сахна кўринишлари ҳам қизиқш билан томоша қилинди. А.АЛИЕВ тайёрлади

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

МУАССИС: Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорья Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар булими 56-85-43; Реклама ва эълонлар булими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 22.40.

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли тувохнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41—уй.